

# ХАЛҚЛИК САЪБИ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

3 декабрь, шанба, 1994 йил  
Сотувда эркин нархда.  
№ 238 (986)

## ЕВРОПА ЧЕГАРАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгайиш ҳаракати мунтазам кенгайиб бормоқда. Илгари бу ҳаракатда 33 мамлакат иштирок этган бўлса, ҳозир уларнинг сони 53 тага етди. Бу -- халқаро ташкилотнинг нуфузи янада ортаётганини кўрсатади. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгайиш (ЕХХК) тарихи 1975 йилда Хельсинкида фақат айрим давлатлар ўртасидаги эмас, балки барча қитъалардаги 33 мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишнинг муҳим ҳужжатлари имзоланган бошланган эди. Эндиликда, Европа ва Осиёнинг катта қисмида юз берган туб ўзгаришлардан сўнг ЕХХК таркибида яна йигирмата давлат қўшилди. Уларнинг кўпчилиги БИЖ СССР таркибидagi республикалардир.

-- Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг биринчилар қатори ЕХХКга қўшилди. Бу тасофи эмас. Тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ҳозирги дунёда ЕХХК ўрнини босадиган ташкилот йўқ. -- Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг фикри ана шундай. -- Бу ташкилот алаҳқад Европа чегараларини четга чиққан. Унинг ишида АҚШ ва Канада вакиллари иштирок этаётгани ҳам бежиз эмас.

ЕХХКнинг ун қондаси унинг асосий тамойилларига айланган. Бу қондаларни санаб ўтиришга ҳожат бўлмади керак, чунки улар барчага маълум. Аммо, улар орасида инсон ҳуқуқларини ҳур-

мат қилиш, чегараларни ўзбошимчилик билан қайта кўриб чиқишдан тийилиш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш сингари қондалар энг муҳим қондалар ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси 1990 йилда Парижда имзоланган Европа Хартиясида қайта ёзилган. Унда, жумладан, бундай дейилади: «Ҳозирги замон халқларимиз қалбидида ўзлаб йиллар давомида яшаб келган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига асосланган демократияга қатъий содиқлик; иқтисодий эркинлик ва ижтимоий адолат орқали юксалиш ва мамлакатларимиз учун баравар хавфсизликка эришиш орзу-умидлари амалга ошириладиган даврлар».

Энг муҳим жойи шундаки, юқорида санаб ўтилган тамойилларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида акс этган. Таниқли халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг кўп сонли экспертлари ўз хулосаларида бунга тасдиқлашди. Бунинг маъноси нима? Бу саволнинг жавоби равшан: мустақил Ўзбекистон дунёвий тараққиёт асосида демократик давлатни барпо этиш йўлидаги унинг асосий тамойиллари.

Энг муҳим жойи шундаки, юқорида санаб ўтилган тамойилларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида акс этган. Таниқли халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг кўп сонли экспертлари ўз хулосаларида бунга тасдиқлашди. Бунинг маъноси нима? Бу саволнинг жавоби равшан: мустақил Ўзбекистон дунёвий тараққиёт асосида демократик давлатни барпо этиш йўлидаги унинг асосий тамойиллари.

нарсаси келтирмайди. Фақат тараққиётнинг тадрижий йўли, бозор муносабатларига ўтиш давридаги ижтимоий йўналишдаги сиёсатгина Ўзбекистоннинг келгусида гуллаб-яшнашига кафолатдир. Бунга жамиятдаги сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни қўшадиган бўлса, республикамиз нима учун ва қандай қилиб халқаро майдонда тобора муҳим ўринни эгаллаётгани тушунарли бўлади.


Шунга қарамастан, Марказий Осиёнинг қўқ ўртасида жойлашган Ўзбекистон нима учун Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида фаол иштирок этиши зарур, деган савол туғилиши мумкин.

Бу саволга ҳаётнинг ўзи, Тинч океанидан Атлантика океанигача бўлган улкан маконда тез ўзгариб бораётган вазият жавоб беради. Ҳа, давлатларнинг чегаралари дахлсиз бўлиши керак! Биз ҳаммамиз сиёсий жиҳатдан бўлса ҳам, миллатлараро, экология жиҳатидан бўлса ҳам, юз берган ҳар қандай маҳаллий можаро шу минглаб километр масофадаги вазиятни ёмонлаштириши мумкин бўлган жуғрофий-сиёсий заминда яшамоқдамиз. Мисол учун узоққа боришининг ҳождати йўқ. Афғонистондаги сиёсий барқарорлик, Тожикистонда юз берган фуқаролар уруши, Орол денгизининг куриши -- буларнинг ҳаммаси маҳаллий можаро эмас, уларнинг оқибати Россияда ҳам, ҳозир юкса-

либ, гуллаб-яшнаб турган Фарбий Европада ҳам сезилмоқда. Шуларни ҳисобга оладиган бўлса, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг вазиятни барқарорлаштирувчи халқаро ташкилот сифатидаги аҳамияти мисолсиз эканига амин бўламиз. ЕХХКнинг яқунловчи минтақа семинари кузда Тошкентда ўтказилгани ҳам тасдиқий ҳол эмас, албатта. Бунинг устига, мазкур нуфузли халқаро ташкилот ўзининг Марказий Осиёдаги ваколатхонасини Ўзбекистон пойтахтида очмоқчи бўляпти. Шунинг ўзи ҳам кўп нарсалардан дарак беради.

5-6 декабрь кунлари Будапештда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида иштирок этувчи давлат ва ҳукуматлар, бошқиларнинг конференцияси бўлади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу анжуман ЕХХК тарихидаги энг мартабали анжуман бўлади. Унда Ўзбекистон Республикасининг Президентини Ислам Каримов бошчилигидаги делегацияси ҳам иштирок этади. Анжуман олдиндан башорат қилишнинг кераги йўқ, аммо шунини ишонч билан айтиш лозимки, Ўзбекистон ҳар доимги тилда бу тал ҳам Европий кўнрақда хавфсизликни мустақамлашга доир янги ташаббуслар билан чиқди. Чунки, тинчлик ва барқарорлик, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш -- сиёсий-иқтисодий тузумларни турлича бўлган давлатлар тараққиётининг бирдан-бир йўлидир!

**Л. ЛЕВИН.**  
(ЎЗА).



Иштихон тумани деҳқонлари пахтадан бўшаган майдонларни шудгорлашни кўзатиб юборишди.  
СУРАТДА: Охунбоев номли жамоа ҳўжалиги механизатори Н. Оллоёров. У кўнига 7 гектардан зиёд майдонни ҳайдашга улгураяпти.  
Т. НОРКУЛОВ тасвири.

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УКРАИНАГА ТАШРИФИ ЗАРУР ТАШРИФ ЭДИ ҲАМДА У САМАРАЛИ БЎЛДИ

Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Сметаниннинг Тошкентда республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимлари ва хорижий журналистлар билан учрашувида шу ҳақда гапирди. Республикамиз Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги иштирокчида ташкил этилган бу учрашувда, шунингдек, дипломатия корпусининг Ўзбекистондаги вакиллари ҳам иштирок этди.

Учрашув асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Украинага давлат ташрифи якунига бағишланган эди. Бу ташриф Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш борасида улкан аҳамият касб этишидан ташқари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳамда жаҳон ҳамжамиятида улкан ижобий сиёсий таъсирот уйдотгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ва Украина раҳбарларининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бу ҳақдаги фаолиятининг бундан бўёнги ривожига, жаҳонда юз берётган жараёнларни баҳолашга, мамлакатларнинг МДҲ ва халқаро ташкилотлар доирасидаги, шунингдек тарих тақозоси билан ўзаро боғлиқ мамлакатларнинг икки томонлама битимлари масаласидаги қарашларнинг ўхшашлиги таъкидланди. Президентларнинг Киевдаги учрашувида олтига муҳим ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Президентининг Украинага ташрифи давомида вуқудга келган бу ҳужжатлар Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни устувор йўналишларини белгилаб берди.

Журналистлар билан учрашувда Украинанинг адрор курулини таштамаслик тўғрисидаги шартнома билан, Украина Президенти Леонид Кучманнинг Америка Қўшма Штатларида давлат ташрифи билан боғлиқ масалалар ҳам кенг ёрилди.

(ЎЗА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ҲЎЖАЛИКЛАРГА УЛАРНИНГ ИХТИЁРИДА ҚОЛДИРИЛАДИГАН ПАХТА ТОЛАСИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА ҚЎМАКЛАШИШ ТЎҒРИСИДА

Белгиланган топшириқнинг 33 фозини ва топшириқдан ортиқчаси ҳисобига ҳўжаликлар иختиёрида қолдирилган пахта толасини ташқи бозорда сотишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги 1995 йилнинг 1 январига Вазирлар Маҳкамасига 1994 йил ҳисолидан ҳўжаликлар иختиёрида қолдирилган пахта толаси ҳажми бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этсинлар.

2. 1994 йил пахта ҳомиёси ҳисолини қайта ишлаш якуни бўйича кўрсатиб ўтилган ҳисоб-китобларга зарур тўзатишлар киритсинлар.

3. «Уздапахтасаноатотиш» уюшмаси ҳўжаликлар иختиёрида қолдирилган пахта бичирчи навабда қайта ишлашни ва ҳўжаликлар томонидан тузилган контрактлар бўйича пахта толасини экспортга етказиб бериши таъминлансин.

4. Ҳўжаликларнинг валюта сўётлари очилди зарур ёрдам берсинлар. Ҳар бир ҳўжалик ўз валюта сўётига эга бўлишига қўмаклашинлар.

5. Ҳўжаликларнинг валюта сўётларига маблағларнинг ўз вақтида ўтказилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳисоб-китобларнинг белгиланган тартибда амалга оширилиши устувор назорат ўрнатсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг тегишли ўринбосари вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 2 декабрь.

## ЯНА БИР ҒАМХЎРЛИК

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги шароитида Ўзбекистон Республикаси ҳўкумати аҳолига, жумладан она -- Ватан посбонларига бир қанча қўйғилик ҳамда имтиёзлар яратиб бермоқда.

Шу йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Муаддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Унга мувофиқ курсантлар, сержант ва оддий аскарларнинг оиллик пул таъминоти учун баравар оширилди. Бир ой муаддатли хизмат икки иш ойнага тенглаштирилди, муаддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳамда қисмлар тавсияномаларига эга бўлган йигирмага олий ва ўрта махсус ўқув юрталарига киришга тўплаш имкони бўлган энг юқори баллини 10 фозини қўшилган бўлди. Фарзанди ҳарбий хизматни ўтаётган оилалар шу даврда ер солиғи тўлашдан озод қилинди.

Мудофаа вазирлиги раҳбарининг ҳам аскарларга муайян имтиёзлар яратиб берди. Чунки, санитария-гигиена ашёлари, конвертлар уларга ҳарбий мағазинлар орқали айтили 10 фозини устима ҳақ қўйиб сотиладиган бўлди, бошқа савдо тармоқларида эса устима ҳақ 45 фозини ташкил этади.

Ушунга кеча республика Бош вазир А. Муталов имзоланган яна бир фармойиш чиқди. Унга кўра, 1994 йилнинг 1 декабридан бошлаб муаддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардан ҳамда фуқароларнинг ҳарбий хизмат жойларига, муаддатли ҳарбий хизматни ўтаётганларга юбонарадан ҳат ва почта қарточкалари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги қоронари томонидан бепул ҳўнатилди.

Бу ҳақ аскарларимизга, уларнинг ота-оналарига, барча Ўзбекистонликларга нисбатан ҳўкуматимиз томонидан қўрсатилаётган яна бир ғамхўрлик намунаси.

(ЎЗА).

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Ҳассос адиб, ўзбек мумтоз адабиётининг эркин намоёнаси, «Уттан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» сингари романлар ва кўплаб ҳажвий асарлар муаллифи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ҳаёт бўлганида ҳозир 100 ёшга кирар эди. Таассуфки, ҳаёти ва ижоди билан ватанга, она тилимизга, халқимизнинг мустақиллик йўлидаги узоқ тарихий кураши ва беназир қадриятларига меҳр-муҳаббат билан ёндашган отақалб адибни аччиқ қисмат орамиздан эрта олиб кетди. Не бахтки, мустақиллик бахтига мушарраф бўлган авлод истиқлолдек улғў мақсад йўлида шадид кетган Чўпон, Фитрат, Боту, Усмон Носир, Элбек ва бошқа жўшқин, миллатпарвар адиблар сафида Абдулла Қодирий ҳам қайтадан кашф этиб, ўзгача меҳр билан ўзгача муносабатда бўлиши керак. Республикада истиқлол курбони Абдулла Қодирийнинг хотирасини абадийлаштириш, асарларини нашр этиш билан боғлиқ кўпгина хайрли ишлар амалга оширилиши керак. Ҳуусан, атоқли адибнинг 100 йиллик юбилейини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита фаол ишламоқда. Қўмитанинг кўни кеча ўтган навбатдаги мажлиси қарори бўйича, адибнинг тўғри шу йил 6 декабрь кўни тантанали равишда нишонланадиган бўлди.

Биз суоқли ёзувчимизнинг кенжа ўғли -- Маъсуд АБДУЛЛАЕВ билан ушбу тантаналарга тайёргарликнинг бориши ҳуусида суҳбатлашдик.

-- Уттан вақт мубайнида Абдулла Қодирийнинг кўтлуқ тўғини ўтказиш муносабати билан республика-

мизда катта ишлар қилинди. Истироҳат боғлари, маҳаллалар, институт ва мактабларга адиб номи берилди. Пойтахтимизнинг энг гўзал ва обод кўчаси ҳам Абдулла Қодирий номи билан атамоқда. Шунингдек, метро бекатларидан бирига унинг номи берилди, безаклари Қодирий асарлари руҳига мос равишда иш-

лаган улғў мақсад -- мустақиллик номи билан юритилган энг биринчи ордени топиришдек эзу ниятимиз бор», деган эди. Илтимос, истиқлолнинг Абдулла Қодирий тақдирига дахлдорлиги ҳуусида сўзлаб берангиз.

-- Раҳмат, «Мустақиллик» ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва

носиб қадр топганидан беҳад хурсандман.

-- Утмишда шундай воқеалар ҳам бўлганки, Абдулла Қодирийнинг номи билан бирга, унинг асарлари ҳам қатогон этилган. Шу кеча-кундузда -- адибнинг 100 йиллик тўйи арафасида унинг асарлари тарғиботидан кўнглинги тўлади.

-- Хабарингиз бўлса, яқинда «Уттан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романини биргаликда алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. А. Қодирий асарлари етти томли академик нашрининг икки томи тўй кунлари китоб дўконларига чиқиб қолса керак. Бундан ташқари, Ҳамза номидаги республика Академик театрида «Меҳробдан чаён» романи асосидаги сахна асари намойиш этилмоқда. Муқимий номидаги мусиқали драма театрида эса «Уттан кунлар» сахналаштирилипти. Бу сахна асари романининг 70 йиллик юбилей кунларида -- 1995 йилда томошабинлар эътиборига ҳавола этилса, ажаб эмас. Шунингдек, «Уттан кунлар» кинофильмининг қайта яратилиш борадиган ҳам қизгин иш бормоқда.

Сўнгги йилларда Абдулла Қодирий асарларини хорижда тарғиб этиш йўлида ҳам талай ишлар амалга оширилипти. Жумладан, «Уттан кунлар» романи Туркияда чоп этилди, айни пайтда, турк биродарларимиз «Меҳробдан чаён»ни нашр этиш арафасида турибди. Замонамизнинг атоқли ёзувчиси Чингиз Айтматов ташаббуси билан қарош қирғиз халқи «Кумушбиби қиссаси»ни ўз тилида ўқимоқда. Шунингдек, ушбу асар тожик тилига ҳам тарғимга қилинди.

Суҳбатдон Ғулом МИРЗО.  
(ЎЗА).

## МЕҲР-МУРУВВАТ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

2 декабрь кўни Тошкентда «Туркистон» саройида халқаро ногиронлар кўнига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Уни республика ижтимоий-таъминот вазир Б. Умуруқов очиб, ногиронларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан бирига айланган, бу борада уларга катта эътибор берилмаётганини таъкидлади.

Президент Фармонига кўра ижтимоий фойдали меҳнатда фаол иштироки учун ва Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан Ўзбекистон Ногиронлар, Кар-соқовлар, Кўзи оқиллар жамиятлари, Ўзбекистон ветеран жангчилар бирлашмаси ва «Ўзбекистон чероноқчилари» уюшмаси Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди.

Президент Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев ана шу фахрий ёрлиқларни топширди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Холди Малик йиғилишларини меҳр-муруват кўни билан кўтлди. У Тошкентдаги ваколатхона ходимлари республика ҳўкумати билан ҳамкорликда ногиронларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи бирлашган қўмита ташкил этганини маълум қилди. Республика Ногиронлар жамияти раиси С. Убайдуллоев кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди. Ногиронларга «Эҳсон», «Соғлом авлод учун», «Наврўз» ва бошқа кўплаб жағмарма ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг соғвалари топширилди.

Кеча сўнггида катта концерт намойиш этилди.

(ЎЗА).

## РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

1 декабрь кўни Республика Прокуратурасида бўлиб ўтган кенгаш мажлисида гўёҳорлик моддалари билан савдо қилиш, сақлаш ва истеъмол қилишга қарши фаолиятининг қўнуийлигини текшириш натижалари ва ахлоқ тўзатиш-меҳнат муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қўнуийликнинг бажарилиши, янаша шарт-шароитлар, касалликларни аниқлаш ва олдини олиш юзасидан профилактик тадбирларнинг самардорлигини текшириш якунига ҳаққиди масалалар кўриб чиқилиб, бу борада ўтказилган ҳамкорликдаги текшириш натижалари кенг муҳофаза қилинди.

Тадбирда республика Олий Суди, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси ва Миллий хавфсизлик қизмати, Урмон ҳўжалиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Навоий вилоят прокурорлари, Транспорт, Харбий Прокуратура раҳбарлари, Республика Прокуратурасининг бошқарма ва бўлим бошқилари иштирок этди. Мажлисини Республика Бош прокурорининг 1-ўринбосари Сирожиддин Мирсафоев бошқарди.

Бозор иқтисодиётига ўтишда қўрилган шароитда фуқароларимизнинг ҳўқуқий са-

воҳоллигини ошириш ва жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши курашни кескин олиб боришда ҳўқуқни ҳимоя этувчи идоралар зиммасига катта масулулият юкланган. Уларнинг бу борада самарали қарарларни амалга оширишига қарамасдан, хуусача Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё ва Навоий вилоятларида наркотик моддаларнинг эксин, сотиш ва истеъмол қилиш каби ҳўлатлар учиб тургани, кўплаб майдонларга «оқ ажал» уруғи экинлаётгани аниқланди ва йўқ қилиб ташланди. Зикр этилган вилоятларда бу борада ҳўқуқни ҳимоя қилувчи ва ҳўқимият органларини раҳбарлари етарли ишларни амалга оширмаётгани Республика Прокуратураси бошқарма боштини

ўринбосари Отабек Фўзалов ва Ички ишлар вазирлиги бошқармаси бошлиғи Алишер Жўраевнинг ахборотларига таъкидлаб ўтилди. Гўёҳорлик моддалари билан савдо қилиш, уни сақлаш ва истеъмол қилишга қарши кураш фаолиятининг қўнуийлигини текшириш натижаларидан келиб чиққан ҳолда бу борада кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ишлаб чиқиш, жойларда камчиликларни тўзатиш чора-тадбирларини кўриш, қаровсиз қолдирилган ерларни назоратга олиш, раҳбарлар эътиборини бу ишнинг муҳим эканига қаратиш лозимлиги алоҳида уқтирилди.

Мажлишда ушбу ҳўлатлар қаттиқ танқид қилиниб, уларга нисбатан муроасиз бўлиш ҳамда қўнуун устуворлигини тўла таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Кўн тартибдаги ишқинчи масала юзасидан Республика Прокуратурасининг бўлим бошлиғи Музаффар Мирсафоев ахбороти эшитилди.

Муҳаммад ШОШТЕМИРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бўлим прокурори, адиб кичик маслаҳатчиси.









ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 5

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув...

УзТВ I

18.30 Болалар учун. «Полопон»...

УзТВ II

18.10-19.40 Туркия телевидениси...

УзТВ III

19.40 «Мультикарусель». 19.50 «Иқтисодий тартиб»...

УзТВ IV

18.00 «Хамманинг тилида». 18.30 «Эхтиёт булинг»...

УзТВ V

7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

УзТВ VI

9.00 «Баъзида эслаб қуй». Бадий фильм...

УзТВ VII

18.30 «Бумеранг». 19.00 «Халқ саломатлиги йўлида»...

УзТВ VIII

18.10-19.40 Туркия телевидениси...

УзТВ IX

18.00 Эфирда -- Давлатларо «Мир» телерадиокомпанияси...

21.30 Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча...

УзТВ II

18.30 «Мультикарусель». 19.00 «Бу сир эмас»...

УзТВ III

18.10-19.40 Туркия телевидениси...

УзТВ IV

18.00 «Кўҳна майдон сирлари». 18.30 «СБ» жумбоғи...

УзТВ V

7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

УзТВ VI

9.00 «Бир куну бир умр». Бадий фильм...

УзТВ VII

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув...

УзТВ VIII

18.10 Болалар учун. «Санъат гунаҳлари»...

УзТВ IX

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув...

УзТВ X

18.10-19.40 Туркия телевидениси...

УзТВ XI

18.00 Эфирда -- Давлатларо «Мир» телерадиокомпанияси...

УзТВ XII

18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. Е.Патон.

18.50 Янгиликлар. 19.00 «Тигиз пайт». 19.25 «Шадлод Роза»...

ПАЙШАНБА, 8

УзТВ I 7.00 -- 01.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ...

УзТВ II

18.30 «Омал» тақвими. 18.35 «Жозиба»...

УзТВ III

18.10-19.40 Туркия телевидениси...

УзТВ IV

19.40 «Мультикарусель». 19.50 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига...

УзТВ V

7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

УзТВ VI

9.00 «Дурангсиз ўйин». Бадий фильм...

УзТВ VII

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар»...

УзТВ VIII

7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

УзТВ IX

9.00 «Эртақлар тарқ этган дара». Бадий фильм...

УзТВ X

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув...

УзТВ XI

18.00 Эфирда -- Давлатларо «Мир» телерадиокомпанияси...

церт. 22.20 «Кино усталари». Халқ артисти Наби Раҳимов...

УзТВ II

18.30 «Учқун». 19.00 «Ўтмишсиз келажак йўқи»...

УзТВ III

18.10-19.40 Туркия телевидениси...

УзТВ IV

18.00 «Инсон ва қонун». 18.30 «Россия тароналари»...

УзТВ V

7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

УзТВ VI

9.00 «Дурангсиз ўйин». Бадий фильм...

УзТВ VII

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар»...

УзТВ VIII

7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

УзТВ IX

9.00 «Эртақлар тарқ этган дара». Бадий фильм...

УзТВ X

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув...

УзТВ XI

18.00 Эфирда -- Давлатларо «Мир» телерадиокомпанияси...

УзТВ XII

18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. Е.Патон.

10.00 «Қалбим ҳарорати». 10.30 «Юксалиш»...

УзТВ II

19.40 «Мультикарусель». ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ...

УзТВ III

18.10-19.40 Туркия телевидениси...

УзТВ IV

18.00 «Инсон ва қонун». 18.30 «Россия тароналари»...

УзТВ V

7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

УзТВ VI

9.00 «Дурангсиз ўйин». Бадий фильм...

УзТВ VII

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар»...

УзТВ VIII

7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

УзТВ IX

9.00 «Эртақлар тарқ этган дара». Бадий фильм...

УзТВ X

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув...

УзТВ XI

18.00 Эфирда -- Давлатларо «Мир» телерадиокомпанияси...

УзТВ XII

18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. Е.Патон.

МАҚСАДИНГИЗ ҚАТЪИЙ БЎЛСА, МАЙДА БИЗНЕС БИЛАН ШУҒУЛЛАНИНГ

"АЛГОРИТМ" ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ



КИЧИК КОРХОНАСИ

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган



ТАВСИЯ ЭТАДИ

УНИВЕРСАЛ МАШИНА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: - макарон маҳсулотлари...

ШАКАРЛИ МОМИК ТАЙЁРЛАШ ҚУРИЛМАСИ 20-30 дақиқада ширин, ҳавфойи шакарли момик тайёрлашга мўлжалланган.

«ФЕРМЕР» ҚУРИЛМАСИ Хар қандай донни омухта ем ва ун қилиб тортали, ўт - ўланларни майдалаб беради...

ЭЛЕКТР ДУДЛАШ ҚУТИСИ Хар қандай шароитда - хонада, кўчада - гўшт, парранда ва балиқни автомат тартибда дудлайди...

ИНКУБАТОР-ҚУРИТИШ ҚУТИСИ 500, 1000, 1500, 2500 дона тухумга мўлжаллаб тайёрланади...

ПЛЁНКАНИ ПАЙВАНДЛАШ ҚУРИЛМАСИ Полиэтилен плёнкадан хар хил катталикда пакет тайёрланади...

"ЛАХЗА" ГАМБУРГЕР ВА "ЛАХЗА" ЭЛЕКТКАБОБ ҚЎРА. Хар қандай шароитда инфроқизил нурланиш асосида истаганча микдорда мазали кабоб ва гамбургерлар тайёрлашнингизга ёрдам беради...

Ҳамма буюмлар жўн ва қулай бўлиб, ишлатиш чоғида юқори малака талаб этмайди.

2-3 ойда ўзини қоплайди



Манзил: Тошкент ш., "Алгоритм" и/б, Илфор к/к, тел: 74-52-76.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти мизурияти, қасба уюшма қўмитаси. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси кафедр уютувчиси Исоқова Зайнаб Одиловнага отаси Одилов Одиловнинг вафоти муносабати билан чўқур тазия бийдиради.



# Бир пиёла чой устида



**Вильям Диркс, туркшунос олим. АҚШнинг Вашингтондаги халқаро илмий тадқиқотлар алмашинув кенгаши (АЙРЕКС)нинг Тошкентдаги вакили**

**Жаноб Диркс, Ўзбекистонга келишингиздан мақсадингизни билмоқчидим.**

Очигини айтганда мен Тошкентга тасодифан келиб қолдим, десам тўғри бўлар. Вашингтон университетидеги ўзбек тилини кун билан ўргандим. Туркий тиллар мутахассислиги бўйича дипломли бўлган, Хитойнинг Шинжон университетидеги қозоқ тилида таълим олдим. Орадан бир ярим йил ўтгач, Туркияга кетдим. Бу орада мени «АЙРЕКС»нинг Тошкентдаги ваколатхонасига ишга таклиф қилишди. Бахону дил қабул қилдим. «АЙРЕКС»дан ташқари «Ўзбек тилшунослиги муаммолари» борасидаги илмий иш билан ҳам шуғулланаяман.  
-- Нима учун айнан ўзбек тили мутахассислигини талладингиз?  
-- Университетнинг биринчи курсига қабул қилинганимизда бирор хорижий тилини ҳам ўрганишимиз лозим эди. Мен француз, араб тилини билганим боис рус тилини тандадим. Бир йил шу тил билан шуғулландим. Бироқ, Ўзбекистон ҳақида, Ўзбекистоннинг буюк кишилари ҳақида эшитгач, ўзбек тилига илҳом ошди. Рус тилини ўзбек тилига ўзгартирдим. Қарийб ўн йилдан буюн ўзбек тили билан шуғулланаман. Амир Темури, Навойиси, Ибн Синоси бўлган улуг юртнинг тилини ўрганишимдан фахрланаман.  
-- «АЙРЕКС»нинг дастур ва вазифалари...  
-- «АЙРЕКС»нинг бир неча дастури мавжуд. МДХ давлатларидан илмий изланиш учун Америкага бориш истифода бўлганлари ана шу дастурлар асосида ўқишга, таж-

риба алмашишга юборамиз. Турли соҳа мутахассисларидан инглиз тилини мукамал билиш талаб этилади. Шунингдек, жойларда халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказамиз, дарелик ва қўлланмалар чоп

қилотта ким ҳомийлик қилишига ҳам қизиқасиз? Барча ривожланган давлатлар сингари Америкада ҳам илмфан гоят қадрланади. «АЙРЕКС»га ажратиладиган маблағнинг 70 фоиздан зиёдини ҳукумат ажратди. Қол-

бўдим. Андижон, Фарғона, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Бухоро... ҳар бири ўзига хос, гўзал. Туйлариде, маросимларида иштирок этдим. Жуда мазаги овқат пиширишар экан. Бироқ, туйлар гоят шовқинли бў-

билмоқчидим.  
-- Мана, танишинг. Нолон -- турмуш ўртоғим. Туркиялик. Истамбул техника университетини тугаллаган. Бу сизлардаги консерватория билан тенг.  
-- Агар рухсат берсангиз, Нолонбегим билан суҳбатлашсам.  
-- Бемалол.  
-- Айтгинчи, Нолон, америкаликка турмушга чиқшингизга оилангиздагилар қандай қарашди?  
-- Онам Вильямни яхши кўриб қолди. Бироқ қариндошларимиз анча қаршилик қилишди. Тақдир экан, мана тинч-тотув оиламиз бор, бахтлимиз.  
-- Америкада сизни қандай қабул қилишди? Қўйналмадингизми?  
-- Этьироф этиш керак. Вильямнинг ота-онаси жуда яхши кишилар. Мени ўз фарзандларидай қабул қилишди. Мени қўйнаган асосий нарса--инглиз тилини билмаганим бўлди. Чунки биз Вильям билан туркча

гаплашамиз-да. (Дарҳақиқат, жаноб Диркс француз, араб, ўзбек, қозоқ тили билан бирга турк тилини ҳам мукамал билади).  
Хозир анча ўрганиб қолдим. Кейин америкаликларда лутф кўрсатиш шарқдагидек эмас. Меҳмонга бормоқчи бўлсангиз, аввал телефон қилиб рухсат сўрайсиз, рухсат берса борасиз, бермаса йўқ. Биз, туркий халқлар меҳмон изнсиз келишига оdatланганми. Урф-одат масаласига келсак, Вильям бизнинг одатларимизни қадрлайди.  
-- Жаноб Диркс, эшитшимизча, сиз қандайдир дарслик устида ишлаётган экансиз.  
-- Тошкент давлат университети аспиранти Умида Ҳикматуллаева билан ҳамкорликда хорижлик талабалар учун ўзбек тили дарслиги тайёрлаяпмиз. У ўзбек тилига иштиёқманд кишиларга манзур бўлади деган умидлаганман...

«Халқ сўзи» мухбири Мавжуда ТОЖИБОЙ қизи суҳбатлашди.

## Юзма-юз Вильям ДИРКС АМИР ТЕМУРИ, НАВОЙИСИ... БЎЛГАН УЛУҒ ЮРТНИНГ ТИЛИНИ ЎРГАНганимдан фахрланаман

этишда ташаббускорлик қиламиз.  
-- Сир бўлмаса, Америкага илмий иш билан борувларингиз сарф-харажатлари кимнинг ҳисобидан қопланади?  
-- Ҳаммаси «АЙРЕКС» ҳисобидан. Табиийки, таш-

ган қисмини эса Америкадаги турли жамғармалар қоплайди. Бу йил ўзбекистонлик саккиз киши Америкада ўз малакаларини ошираётир.  
-- Ўзбекистон сизга ёқдим?  
-- Жудаям. Мен юртнинг турли вилоятларида

ларкан. Сўнгра тўй ва маросимлардаги исрофгарчилик мени бироз ранжитди.  
-- Мусулмон динини қабул қилганингиз ростми?  
-- Рост.  
-- Масжиду намозга қатнаяман.  
-- Оилангиз ҳақида ҳам

### ТАБОБОТ ДЕНГИЗ УТИ РАК КАСАЛИНИ ДАВОЛАЙДИ

Қизил денгиз ва Урта ер денгизи қирғидаги маржон ва сув ўтларидан рак касалига қарши дори-дармон тайёрлайдиган бир объект қурилишининг ҳисоб-китоблари ва фойдали жихатларини ўрганиш ишлари бошлаб юборилди. Гап шундаки, ушбу икки денгиз қирғидаги баъзи сув ўтлари ва маржонлардан тайёрланган мураккаб дори рак касали усимталари усинини тўхтатар, умуман шу дарди бела-вога қарши курашар экан.

Миср денгизшунослик илмий институти ва ана бир илмий тадқиқот маркази бир йилдан бери мана шу соҳада изланишлар олиб бормоқда. Миср денгизшунослик илмий институти директори доктор Хусайн Комил Бадавнинг айтишича, эндиликда ушбу икки денгиз ўтлари ва маржонлар кўп тарқалган ерларни аниқлаш, уларни чиқариб олиш ва ундан шифобахш дори тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

### САҒБАТ ҚАРШИДА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Қарши шаҳрида қўғирчоқ театри очилди. Театрнинг ижодий жамоаси фаолиятини ёзувчи Латиф Маҳмудовнинг «Дангасанинг ҳоли вой» асарини сахнага олиб чиқиш билан бошлади. Қўғирчоқ театри санъаткорлари ўзларининг илк сахна кўринишлари билан кичикинтой томошабинлар қалбидан жой олдилар. Театрнинг дунёга келишини жамоатчилик илиқ қаршилади.

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номлидаги вилоят мусиқали театри раҳбари Саид Бердиевнинг айтишича, қўғирчоқ театри вилоят мусиқали театри негизда ташкил топган. Болалар театри ўз биносига эга бўлгунча вилоят театри ҳузурида фаолият кўрсатиб туради. Ёш театр санъаткорлари ҳар йили 5-6 сахна асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола этиш тартибиде изланишлари бошлаб юборишди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, АҚШнинг Халқаро тараққиёт бўйича агентлиги (ЮСАИД) билан ҳамкорликда ташкил этилган «Сув захираларидан унумли фойдаланишда минтақавий ҳамкорлик» мавзусидаги семинар бўлиб ўтди.

Қарши шаҳрида «Шоҳруҳ» шахмат клуби ташаббуси билан ташкил этилган республика мусобақасида 50 га яқин шахматчи иштирок этди. Қизгин кураш ва баҳслардан сўнг биринчи ўринни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шахмат устаси Й. Муҳин олди. Иккинчи ўрин биринчи зарядли шахматчи Э. Захарчевга, учинчи ўрин спорт устаси Раймон Ражабов ва Нурқул Арабовга насиб этди.

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасининг ёрдам гуруҳи Фарғона водийсига жўнаб кетди. Унинг таркибига турли вазирлик вакиллари, малакали тиббиёт ходимлари, олимлар, экологлар бор.

«Экосан»чиларнинг асосий фаолияти жойларда табиат мусофолитини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш, кўп болани ва кам даромадли оилаларга тиббий ва моддий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлади.

Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика марказида «Фольклор -- халқ санъатининг дурдонаси» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлди. Унда вилоятлардаги шу соҳа мутахассислари, фольклор дасталарининг раҳбарлари иштирок этди. Анжуманда фольклоршунос олимлар М. Қодиров, М. Муродов, Р. Абдуллаевлар маъруза қилди.

Жиззахдаги Юнус Ражабий номи мусиқали драма театрида ёшлар кечаси бўлди.  
«Севги тароналари» деб номланган уч қисмдан иборат мазкур тадбир иштирокчиларга «Анор» замонавий қўшиқлар телевизион конкурси иштирокчиси Одила Жабборова ва «Жиззах» гуруҳи хонандаси Ҳамид Нурматов дилрабо қўшиқлар ҳада этди.

## ҲАДИСЛАР

**Вазифани ўз вақтидан кеч қолдириб бажариш ҳам зулм турларига кирди.**

**Бир-бирларингизга тўхмат ва бўҳмон қилманглар!**

**Уч кундан ортиқ аразлаб юриш исломда йўқ.**

### МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?

**БИДУН, БУНЕТ ВА СУКОН...**  
Илгари бизда Бухорхудот деган жой бўлган экан. У ҳақда маълумот бера оласизларми?  
Самал РАҲМОНОВ, Китоб.

Бухорхудот жой эмас, балки VII-VIII асрларда Бухорода мавжуд бўлган кичик бир давлат (унинг ҳудудига Бухоро шаҳри, Ромитан, Қорақўл каби туманлар кирган). X аср тарихчиси Наршахийнинг таъкидлашича, Бидун, Туғшола, Бунёт ва Сукон исми буҳорхудотлар ҳукмронлик қилганлар.

Бухорони араблар босиб олишгач, буҳорхудотлар ўз мавқеини йўқотишган.

**ВАМБЕРИЛИГИ --- РОСТ, АММО...**  
Америкалик Вамбери деган бир ҳарбий мусулмон динини қабул қилиб, бизнинг юртларда қолиб кетган дейишди. Ё уйдирмами бу?

Тўлқин УБАЕВ, Жомбой.

Вамберилиги -- рост, аммо у венгриялик (1832-1913), кейин ҳарбий эмас -- олим бўлган. 20 дан ортиқ Европа ва Шарқ тилларини ўрганиб, 1863 йилда мусулмон-ҳожиниқоби остида Марказий Осиёга келиб, юртимиз ҳақида қатор асарлар ёзган.

**МУАЛЛИФИ --- НАВОЙИНИНГ ШАХСИЙ КОТИБИ**  
Эшитдикки, Британия музейида «Тўхфат ус-салотин» («Султонларга тўхфа») китоби сақланаркан. Навойининг асари экан-а?

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ, Сирларё.

Британия музейида ҳақиқатдан ҳам шундай асар бор. Лекин ушбу тўпламининг муаллифи Абдулжамил ҳисобланади. Ҳиротдаги Султони мадрасасига мударрислик қилган бу истеъдодли ҳаттот Алишер Навойининг шахсий котиби бўлган. У шоирнинг «Хамса», «Навоидир уннихоя» ва бошқа кўплаб асарларини кўчирган. Абдулжамилнинг «Тўхфат ус-салотин» и эса Навойининг лирик асарларига бағишлангандир.

### КИЧКИНА БОШҚОТИРМА

Энг кичик икки хонали сон энг кичик бир хонали сондан неча марта катта?

**ЛАТИФА**  
-- Мен қай даражада маст эканимни қандай аниқлашимни биласанми? -- сўрабди бир одам шеригидан.  
-- Йўқ, ўзинг айтиб берчи?  
-- Хотиним ёқа бошлади-ми, демак, тайёрман...

### ОБ-ҲАВО

Республика Гидрометеорология марказининг бошлиғи Раиса ШОДИЕВА маълум қилади:

-- 5-11 декабрь кунлари республикамизда бекарор об-ҳаво кузатилади. Вақти-вақти билан ёғавтган ёмғир қорга айланиши мумкин. Шарқдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, ғарбдан секундига 9-14 метр тезликда эса бошлайди. Кечалари ҳарорат 5-10 даража иссиқдан 4 даража иссиқ ва 1 даража совуққача пасаяди. Кундуз кунлари 1-6 даража иссиқ бўлиши кутулади. Хафтанинг иккинчи ярмида ёмғирчилик тўхтайдми. Кечалари совуқ бўлади. Ҳарорат жанубда 18 даражагача кўтарилари. Хафта охирида яна ҳаво айниши мумкин.



Шоназар ИБРОҲИМОВ сурат-лавҳаси.

### ДЕЙЛ КАРНЕГИ: ХАВОТИРЛИКНИ ЙИҒИШТИРИБ, ХОТИРЖАМ ЯШАШГА ОДАТЛАНИНГ

1817 йилнинг айни баҳор кунлари бир йилгитиғи қўлга тушиб қолган китобчада ўн етти сўздан иборат бир жумлаи ўқиди-ю, шундан кейинги ҳаёти бутунлай ўзгариб кетди.



У ТАЛАБАЛИК чоғида Монреалдаги оддий шифохоналардан бирида амалий машғулотлар билан банд бўлган чоғларида битирув имтиҳонларини қандай қилиб топшириш, қаерга ишга жойлашиш, тирикчилигини қандай ўтказиш муаммолари уни гоят ташвишга соларди. Аммо ўша ўн етти сўздан иборат жумла унга ўз даврининг машҳур кишиси бўлишига ёрдам берди. У Жонс Голкин университетини қошида машҳур Тиббиёт мактабин ташкил этди. Оксфордда киролликнинг тиббий профессори бўлди. Бу Британия империяси тақдим этиши мумкин бўлган энг юксак унвон эди. Англия киролни унга дворянлик даражасини ҳам берди. У вафот этганда ҳаёти тарихидан ҳикоя қилувчи 1466 бетдан иборат иккита йирик жилдли китоб чоп этилди.

Уни Сэр Уильям Ослер дея улуғлашарди. Бу буюк инсонни турмуш ташвишларидан ҳалос этиб, бутун дунёга танитган ўша «сеҳрли» жумла куйи-

дагича эди: «Бизнинг асосий вазифамиз -- келажакнинг маъмул уфқларига тикилишни бас қилиб, хозир қўлимиздан келадиган иш билан жиддий машғул бўлмоқлик».

Хўш, Ослер эришган муваффақиятларнинг сирини нимада?

«Келажакни ҳақида ортиқча қайғураверадиган одамни руҳий азоб, асабийлик тинимсиз таъкиб этди. Бугунги имкониятингизни тўла ишга солиб динимизнинг, шунда келажакнинг ўз-ўзини «Эртанги кунинг ҳақида қайғурмай, фақат бугунинг ишга» қабилда тушуномлилик катта хатоқдир. Доктор Ослер «келажакни таъминлашнинг энг мақбул йўли -- бутун куч ва имкониятни бугунги юмушларни маромига етказиб бажаришга сарфламоқликдир», демоқчи, ҳолоқ. Зеро, ўзбек халқи ҳам эртанги гамини бугун ейишга оdatланган. Инсон табиатида хос энг фожиали хусусият шуки, орау-умидларини рўёбга чиқариши кейинга суришдир. Шундай экан, ортиқча ташвишу хавотирни миянгиздан чиқариб ташланг-да. Сэр Уильям Ослер қилган ишчи қилиғи, «ўтган ишга салобат», деб бугунги куч-имкониятингизни ишга солиб, ҳаётингизни маъмули ва ёқимли бўлишига эришинг.



**ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖҲРАБОВЕВ.

**• БЎЛИМЛАР:** Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-43; Қашлоқ хўжалиқи 32-07-94; Иқтисодийёт 32-36-65; Манаваият 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.

**• МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир -- И. Ҳубсаров. Навбатчи -- Б. Остонакулов.